

ЭРОН - САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЕТАКЧИЛИК УЧУН РАҚОБАТИ “ЯМАН МОЖАРОСИ” МИСОЛИДА

Умиджон Шайманов

Мустақил изланувчи

Аннотация: *Мазкур мақолада Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги геосиёсий ва идеологик рақобатнинг Яман можаросига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда Ямандаги ички ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар билан бир қаторда, икки давлатнинг минтақавий рақобати ҳам ёритилган. Натижалар шундан далолат берадики, Саудия Арабистонининг ҳарбий аралашуви Ямандаги вазиятни барқарорлаштириш ўрнига уни янада чуқурлаштирган, Эрон эса ҳусийлар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтирган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Яман можароси, минтақавий геосиёсий кураш, “Ҳусийлар” ҳаракати, идеологик ва мазҳабий зиддиятлар, Воситачи уруш (proxy war)*

IRAN-SAUDI ARABIA COMPETITION FOR REGIONAL LEADERSHIP AS AN EXAMPLE OF THE "YEMEN CONFLICT."

Umidjon Shaymanov

Independent Researcher

Abstract: *This article analyzes the impact of geopolitical and ideological rivalry between Iran and Saudi Arabia on the Yemeni conflict. Along with the internal social, economic, and political problems in Yemen, the study also highlights the regional rivalry between the two countries. The results indicate that Saudi Arabian military intervention, instead of stabilizing the situation in Yemen, deepened it, and Iran expanded its sphere of influence through the Houthis.*

Keywords: *Yemeni conflict, regional geopolitical struggle, Houthi movement, ideological and sectarian conflicts, proxy war*

Кириш

Яқин Шарқ азалдан Буюк Британия ва Франция, кейинчалик эса АҚШ ва СССР ўртасидаги таъсир учун геосиёсий кураш майдони бўлиб келган. Ғарб давлатларининг минтақадан босқичма-босқич чекиниши натижасида бу ҳудуд илгари халқаро сиёсий сўзга эга бўлмаган янги иштирокчилар учун очик бўлиб қолди. 2000-йиллар бошидан буён Исроил, Эрон ва Саудия Арабистони сингари минтақавий кучлар Яқин Шарқдаги беқарорлик муҳитида ҳал қилувчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Сўнгги йилларда Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги рақобат айниқса кучайди. Икки давлат ўзларининг диний ва идеологик нуқтаи назарларидан келиб чиқиб,

геосиёсий мақсадларга эришиш ҳамда Ислом оламида етакчилик мавқеини қўлга киритиш учун ҳаракат қилмоқда. Эрон ўзини шиалар дунёси ҳимоячиси сифатида кўрсатиб, Ироқ, Сурия, Яман ва Бахрайн каби мамлакатларда экспансионист сиёсат юритмоқда.

Шу билан бирга, Саудия Арабистони саллафий кенгайтмачилик шиорини илгари суриб, сунний дунёсида шиалик таъсирига қарши бирлашишни тарғиб қилмоқда ва Форс кўрфази минтақасида ўз гегемониясининг пойдеворини мустаҳкамламоқда. Аммо икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши Яқин Шарқдаги мазҳабий низоларни янада кучайтирди. Бугунги кунда минтақа мамлакатларининг кўпчилиги айнан Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги геосиёсий ва диний рақобат оқибатларини ҳис этмоқда.

Бу рақобатнинг Гоббс таълимотига хос анархик қадриятлар ва хавфсизлик дилеммасига суяниш даражаси нафақат икки давлат муносабатларига, балки бутун Яқин Шарқ барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги зиддият моҳиятини англаш минтақадаги кўплаб можароларни изоҳлаш ва уларни бартараф этиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат айниқса Яман можароси мисолида яққол кўринади. Яман – Яқин Шарқнинг стратегик нуқталаридан бири бўлиб, катта аҳолига эга давлат ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда у чуқур сиёсий, ижтимоий ва гуманитар инқироз билан юзма-юз турибди. Ямандаги муаммолар маҳаллий, минтақавий ва глобал омиллар таъсирида шаклланимоқда. Шу сабабли Яман можаросини таҳлил этишда нафақат ички омилларни, балки Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги геосиёсий рақобатни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ямандаги кўплаб иштирокчилар, айниқса ҳусийлар ҳаракати, ҳамда уларнинг минтақавий ва халқаро кучлар билан муносабатлари етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун мазкур тадқиқотда Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги идеологик ва геосиёсий курашнинг Яман можаросига таъсири, ҳусийларнинг сиёсий айдентификацияси ҳамда маҳаллий ва глобал кучларнинг мамлакатдаги ички мувозанатни бузишдаги роли таҳлил қилинади. Шу тариқа Ямандаги инқирознинг ҳақиқий манбаи ёритилиб, муаммога нисбатан стереотип ёндашувларга танқидий нуқтаи назар тақлиф этилади.

Яман можароси – Эрон ва Саудия Арабистони рақобатининг кучайиши

Ямандаги можаро ҳозирда минтақавий кучлар ўртасидаги таъсир учун кураш ва мазҳабий устунлик майдонига айланди. Саудия Арабистони Эрон томонидан ўраб олинганини ҳисобга олган ҳолда, Яманда ҳусийларнинг илгарилашини ўз хавфсизлиги учун мавжуд таҳдид сифатида баҳолайди ва ёнида шиалар давлати ташкил топишидан кўрқади. Шу билан бирга, Саудия Арабистони Эрон таҳдидини таъкидлаб, сунний дунёсида етакчилик даъвосини мустаҳкамламоқчи.

Аммо ҳақиқий сабаблар қандай бўлишидан қатъи назар, Ямандаги инқирозни чуқурлаштирган асосий омил Саудия Арабистонининг Яман ишларига тўғридан-тўғри аралашуви бўлди. Тарихда ҳам 1960-йилларда Яманда фуқаролик уруши бўлиб

ўтган ва ўшанда Саудия Арабистони ҳамда Миср турли томонлар тарафини олган. Ҳозирги вазиятда эса Саудия Зайдий ҳусийлар назоратидаги Яманни ўз хавфсизлигига таҳдид деб билади.

Ямандаги инқироз икки ўлчамга эга:

биринчи ўлчам — мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолари бўлиб, улар ички низоларнинг асосини ташкил этади;

иккинчи ўлчам — минтақавий ва глобал кучларнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб турли гуруҳларни қўллаб-қувватлаши ҳисобланади.

Минтақавий кучларнинг ўз сиёсий ва идеологик ҳисоб-китобларига кўра амалга оширган аралашувлари Ямандаги можарони янада чуқурлаштирди. Эрон ҳусийларни курул билан таъминлаётганликда айбланса-да, у озгина харажат билан Яманда таъсир доирасини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Саудия Арабистони ва унинг иттифоқчилари эса ҳарбий аралашув натижасида мамлакатдаги гуманитар фожиаларнинг асосий сабабчисига айланди.

Абдулла Солеҳ бошқаруви даврида Яманда марказлашган ҳокимият ва барқарорлик ўрнатилмаган бўлиб, у клиентелистик тизимга асосланган авторитар режим эди. У адолатсиз даромад тақсимооти, ишсизлик, қашшоқлик ва қабилалар ўртасидаги мувозанатсизлик каби муаммоларни ҳал қила олмади. Натижада Зайдийлар ва Жанубий яманияликлар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан четда қолди.

1990-йилда Яманнинг икки қисми бирлаштирилган бўлса-да, бу бирлик барқарорликка олиб келмади. 2011-йилдаги Араб баҳори даврида талабаларнинг намоёишлари бутун мамлакат бўйлаб тарқалди ва Солеҳ режимининг заифлиги ошкор бўлди. Саудия Арабистони раҳбарлигидаги Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши (GCC) орқали ўтиш жараёни ташкил этилди, натижада Солеҳ истеъфо берди. Бироқ у ҳокимият тизимидан тўлиқ четлашмади.

2014-йилга келиб, иқтисодий инқироз ва сиёсий беқарорлик авж олди. Ҳусийлар бу вазиятдан фойдаланиб, пойтахт Саноани эгаллади ва президент Ҳадийни истеъфога мажбур қилди. Саудия Арабистони буни Эрон таъсирининг кенгайиши деб баҳолаб, 2015-йилда “Decisive Storm” (Қатъий бўрон) ҳарбий амалиётини бошлади.

Бироқ уруш узоқ йиллар давом этди, мамлакат шимоли ва марказида ҳусийлар, жануб ва шарқда эса Ҳадий ҳукумати ҳукмронлиги сақланиб қолди. Шу билан бирга, Саудия иттифоқчилари орасида ҳам ихтилофлар пайдо бўлди — масалан, БАА Жанубий Яман мустақиллигини қўллаб-қувватларди, Саудия эса мамлакат бўлинишига қарши эди.

Шу билан Яман ҳудуди икки минтақавий куч — Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги воситачи уруш (proxy war) майдонига айланди. Саудия Эронни ҳусийларни қўллаб-қувватлаётганликда айблади, Эрон эса Саудияни Ямандаги қирғинлар учун масъул деб ҳисоблайди. Эроннинг ҳусийларга молиявий ёрдам кўрсатиши 2014-йилдан сўнг ортиб боргани кузатилган бўлса-да, ҳусийлар Эрон таъсиридаги тузилма сифатида шаклланмаган. Улар дастлаб маҳаллий муаммолар

асосида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Саудия сиёсати туфайли Эронга яқинлашган.

Натижада Эрон катта харажатсиз Саудиянинг асосий хавфсизлик ҳудуди деб ҳисобланган Яманда таъсир соҳасига эга бўлди. Саудия эса миллиардлаб доллар сарфлаб, узоқ давом этаётган урушни тўхтата олмади.

Хулоса

Александр Вендт назариясига кўра, анархия маданияти психологик муносабатлар тизими бўлиб, агар иштирокчиларнинг ишонч ва қарашлари ўзгарса, рақобат шакли ва анархия маданияти ҳам ўзгариши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Эрон ва Саудия Арабистони ўртасида ҳамкорлик механизмининг шаклланиши уларнинг Гоббсча анархик маданиятдан халос бўлиб, Локкча анархия маданиятига ўтиш қобилиятига боғлиқ.

Бироқ Якин Шарқда бу жараён Ғарб жамиятларидаги каби амалга ошмаган. Эрон Ислом инқилобидан олдин икки давлат ўртасидаги муносабатлар нисбатан тинч, Локк маданиятига яқин бўлган бўлса, инқилобдан кейин бу вазият кескин ўзгарди. Эрон-Ироқ уруши, нефть нархлари ва Ҳаҷ воқеалари каби муаммолар муносабатларни ёмонлаштирди.

1990-йиллардаги яқинлашув даври муносабатларни бироз юмшатган бўлса-да, бу жараён барқарор тизимга айлана олмади. Эрондаги инқилобий идеология ташқи сиёсатнинг доимий асоси сифатида сақланиб қолди, Саудия эса бу идеологияни ўз хавфсизлигига таҳдид сифатида қабул қилмоқда.

2003-йилдаги Ироқ уруши ва 2011-йилдаги Араб баҳори натижасида минтақада кучлар мувозанати бузилди ва Эрон янги геосиёсий имкониятларга эга бўлди. Бу эса икки давлат ўртасидаги Гоббсча рақобат маданиятини янада кучайтирди.

Хусийлар халқаро майдонда уларни ҳимоя қилаётган ягона давлат сифатида Эрон билан алоқаларини кучайтирди. Эрон хусийларни Саудия манфаатларига қарши фойдаланиш мумкин бўлган сиёсий восита сифатида кўрмоқда. Шу билан бирга, Саудиянинг Ямандаги ҳарбий аралашуви уларни айнан Эронга яқинлаштириб қўйди.

Ҳозирги ҳолатда Эрон Яманда таъсирли актёр сифатида майдонда бўлиб, ҳар икки давлат низони мазҳабий тусга айлантирмоқда. Бироқ бу идеологик ва геосиёсий кураш Ямандаги инсонпарварлик фожиасини чуқурлаштирди.

Яманда барқарор ва инклюзив ечим топиш барча иштирокчиларнинг иштирокини талаб этади. Бунинг учун Саудия ва Эрон ўз рақобатининг нафақат Яман, балки ўз манфаатлари учун ҳам ҳалокатли оқибатларга олиб келаётганини англаб, оқилона сиёсат юритиши зарур. Минтақавий кучлар ва халқаро ҳамжамиятнинг вазифаси — тинчлик ва барқарорлик йўлида Яманни қўллаб-қувватлашдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Wendt, A. (1999). *Social Theory of International Politics*. Cambridge: Cambridge University Press.
2. Hinnebusch, R. (2020). *The International Politics of the Middle East*. Manchester: Manchester University Press.
3. Juneau, T. (2016). Iran's policy towards the Houthis in Yemen: A limited return on a modest investment. *International Affairs*, 92(3), 647–663. <https://doi.org/10.1111/1468-2346.12601>
4. Terrill, W. A. (2015). *The Saudi-Iranian rivalry and the future of Middle East security*. Carlisle, PA: Strategic Studies Institute, U.S. Army War College Press.
5. Wehrey, F. (2018). *Beyond Sunni and Shia: The roots of sectarianism in a changing Middle East*. London: Hurst Publishers.